

УДК: 633.51:631.671/811

**СУҒОРИШ ТАРТИБИ, ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИ ВА  
КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ДАВРИГА ТАЪСИРИ**

**Маматалиев И.Ч.**

к.и.х-Пахта селекцияси, уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий  
тадқиқот институти

E-mail: [imamataliyev@inbox.ru](mailto:imamataliyev@inbox.ru)

**Шадманов Ж.Қ.**

қ.х.ф.н; к.и.х-Пахта селекцияси, уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари  
илмий тадқиқот институти

**Бекмуродов Х.Т.**

қ.х.ф.ф.н; к.и.х-Ингичка толали пахтачилик илмий тадқиқот институти

**Ражабов Н.Қ.**

қ.х.ф.ф.н; к.и.х-“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Сирдарё вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларида янги районлашган ва истиқболли ғўза навларининг ўсиши ва ривожланишига суғориш тартиби, ўғит меъёрлари ҳамда кўчат қалинлигининг таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Ўртача шўрланган тупроқ, ғўза навлари, суғориш тартиблари, ўғит меъёрлари, кўчат қалинлиги, ғўзанинг ўсиш ривожланиши.

### АННОТАЦИЯ

В статье представлены сведения о влиянии режима орошения, норм удобрений и густоты всходов на рост и развитие новых районированных и перспективных сортов хлопчатника на среднесоленых почвах Сырдарьинской области

**Ключевые слова:** Средняя засоленность почвы, сорта хлопчатника, режимы орошения, нормы удобрений, толщина всходов, развитие роста хлопчатника.

### ABSTRACT

The article presents information on the impact of irrigation regime, fertilizer rates and seedling density on the growth and development of new zoned and promising varieties of cotton on moderately saline soils of the Syrdarya region

**Key words:** Average soil salinity, cotton varieties, irrigation regimes, fertilizer rates, seedling thickness, cotton growth development.

### КИРИШ

Бугунги кунда дунёнинг Осиё, Америка, Африка, Австралия ва Европа қитъаларининг 90 дан ортиқ мамлакатларда ғўза етиштирилиб, жами 32,0 млн. гектарча майдонни эгаллайди. «Пахта толаси етиштириш ҳажми бўйича Хитойда 5987,0 минг тонна, ҳосил олиниб, шундан 5978,2 минг, Ҳиндистонда 6205,0 минг тоннанинг, 6201,4 минг, Покистонда 1785,0 минг тоннанинг, 1782,8 минг тоннаси ўрта толали пахта ҳосилини ташкил этади». Жаҳон мамлакатларида ғўза парваришида янги замонавий инновацион ресурстежамкор агротехнологиялари элементларини такомиллаштириш ҳисобига ғўзадан юқори ҳосил олишда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда пахта етиштирувчи мамлакатларда иқлимнинг глобал ўзгариши шароитида ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологияларининг илғор усуллари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан турли тупроқ иқлим шароитларида ғўзанинг тезпишар ва серҳосил янги навларини етиштиришда бир марталик суғориш мавсумий суғориш ва йиллик минерал ўғитларни қўллашда экинларнинг алоҳида биологик хусусиятларини иноботга олган ҳолда тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади. Республикамиз пахтачилигида ер, сув ва табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳисобига мўл ҳамда сифатли, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган пахта ҳосили етиштиришни таъминлай оладиган янги технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида янги ғўза навларининг замонавий агротехнологияларини жорий этиш»га алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб берилган. Шунинг учун республикамизнинг пахта майдонларида етиштириладиган ғўза навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, мақбул кўчат қалинлиги, ўғит (NPK) меъёрлари ва суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш ҳамда ишлаб чиқилган инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб берилган.

### **МУАММОНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ**

Мамлакатимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитида янги районлаштирилган ва истиқболли ғўза навлар агротехникаси билан ғўзани суғориш, озиқлантириш, кўчат қалинлиги бўйича С.Рыжов, М.Меднис, Қ.Мирзажонов, А.Авлиёқулов, М.Хамидов, Ш.Нурматов, Н.Ўразматов, Б.Мамбетназаров, Б.Ниязалиев, М.Авлиёқулов, Г.Қурбонова, Н.Авлиёқулов, Б.Ҳофизов, Н.Дурдиев, М.Тожиев, Н.Ражабов, О.Бойназаров ва бошқа олимлар томонидан илмий-амалий тажрибалар олиб борилган, лекин Сирдарё

вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларида янги районлашган ва истиқболли ғўза навларини парваришlash агротадбирларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарлича ўрганилмаган.

### **ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ**

Сирдарё вилояти ўртача шўрланган ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида янги, районлашган ва истиқболли навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, кўчат қалинлиги, сув-ўғит (NPK) меъёрлари ҳамда пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олишда парваришlash агротехнология элементларини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

### **ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ**

ғўзанинг янги районлашган ва истиқболли ғўза навларини парваришlash, кўчат қалинлиги, сув-ўғит (NPK) меъёрлари, тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий хоссалари ва ғўза навлари ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, куруқ масса тўплаши, барг сатҳини ўзгариши ҳамда фотосинтез соф маҳсулдорлиги тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

### **ТАДҚИҚОТ УСЛУБИ**

Дала тажрибаларини ўтказишда биологик ўлчовлар, тупроқ намуналари “Методика Государственного сортоиспытания сельхозкультур”, “Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошение” қўлланмалари асосида ўтказилди. Тупроқ намуналари агрофизик ва агрохимёвий таҳлиллари “Методы агрохимических анализов почвы растений Средней Азии”, фотосинтез соф маҳсулдорлиги Н.Н.Третьяков услуги бўйича аниқланди, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, иқтисодий самарадорлик Р.А.Баронов услуги асосида аниқланди. Маълумотларнинг математик-статистик таҳлиллари эса Б.А.Доспеховнинг услуги асосида Microsoft Excel дастури ёрдамида амалга оширилган.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ниҳолларнинг барвақт униб чиқишида ерларни экишга тайёрлаш, жумладан тупроқ шўрини ювиш, ер текислаш, эрта баҳорда униб чиқадиган бегона

ўтлардан тозалаш, шунингдек чигит экиш муддатларига асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади. Чигитни тупроқ намига ундириб олиш долзарб масалалардан бири бўлиб, бу суғориш сувининг иқтисод қилинишида ҳам асосий ўрин тутади. Сабаби чигит экилгандан сўнг суғориладиган бўлса, биринчидан суғориш сувининг ортиқча сарф бўлиши, шунингдек, ушбу сув таъсирида бегона ўтларнинг ҳам кўпайишига олиб келади. Натижада ғўза ниҳоллари учун берилган озикани ўзлаштириши туфайли, ниҳолларнинг нимжон бўлиб қолишига олиб келади.

2016 йилда олиб борилган тажрибаларимизда ғўза ниҳоллари 10-12 кунда тўлиқ униб чиқди. Аввало шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда мутахассислар, барча ер эгалари, фермерлар олдига қўйилган масалалардан бири пахта ҳосилини ёғин-сочин кунларга қолдирмай, эрта муддатларда етиштириш ва йиғиб олишдир. Бунда селекционер олимларимиз томонидан яратилаётган янги ғўза навларининг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўрганиш талаб этилади. Олинган маълумотлар натижаларига кўра, назорат сифатида экилган Ан-Боёвут-2 ғўза ниҳолларининг 50% гуллашгача бўлган даври 46 кунни, гуллаш ҳосил тўплаш даври 59 кунни, кўсак очилишигача бўлган давр 100 кунни ташкил қилди. Султон ғўза навини 70-70-65% тупроқ намлигида маъдан ўғитлар меъёри  $N_{180}P_{126}K_{90}$  кг/га қўлланилганда ниҳолларининг 50% гуллашгача бўлган даври 43 кунни, гуллаш ҳосил тўплаш даври 57 кунни, пахта очилишигача бўлган давр 99 кунни ташкил қилди. Худди шу суғориш тартибида маъдан ўғитлар меъёри  $N_{220}P_{154}K_{110}$  кг/га оширилганда бу кўрсаткичлар фазалар бўйича 45, 58 ва 100 кунни ташкил қилди.

Ушбу навни суғориш олди тупроқ намлиги 75-75-65% бўлганда ва маъдан ўғитлар меъёри  $N_{180}P_{126}K_{90}$  кг/га қўлланилганда ниҳолларнинг 50% гуллашгача бўлган даври 45 кунни, гуллаш ҳосил тўплаш даври 58 кунни, кўсак очилишигача бўлган давр 100 кунни ташкил қилди. Худди шу суғориш тартибида маъдан ўғитлар меъёри  $N_{220}P_{154}K_{110}$  кг/га оширилганда бу кўрсаткичлар фазалар бўйича 47, 60 ва 102 кунни ташкил қилди.



С-6524 ғўза навини 70-70-65% тупроқ намлигида минерал ўғитлар меъёри  $N_{180}P_{126}K_{90}$  кг/га қўлланилганда ниҳолларининг 50% гуллашгача бўлган даври 45 кунни, гуллаш ҳосил тўплаш даври 59 кунни, кўсак очилишигача бўлган давр 101 кунни ташкил қилди. Худди шу суғориш тартибида маъдан ўғитлар меъёри  $N_{220}P_{154}K_{110}$  кг/га оширилганда бу кўрсаткичлар фазалар бўйича 49, 61 ва 103 кунни ташкил қилди.

Ушбу навни суғориш олди тупроқ намлиги 75-75-65% тартибида ва маъдан ўғитлар меъёри N-180, P-126 ва K-90 кг/га қўлланилганда ниҳолларининг 50% гуллашгача бўлган даври 46 кунни, гуллаш ҳосил тўплаш даври 61 кунни, кўсак очилишигача бўлган давр 103 кунни ташкил қилди. Худди шу суғориш режимида маъдан ўғитлар меъёри  $N_{220}P_{154}K_{110}$  кг/га оширилганда бу кўрсаткичлар фазалар бўйича 49, 63 ва 105 кунни ташкил қилди.

Тупроқ намлиги ва маъдан ўғитлар меъёрининг ортиши билан кўсак очилиш даври 99 кундан 105 кунгача узайиб борганлиги аниқланди.

## ХУЛОСА

Сирдарё вилоятининг ўртача шўрланган, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўрта толали ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш учун;

Султон ва С-6524 ғўза навларини кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га, маъдан ўғитлар меъёрини  $N_{220}$ ,  $P_{154}$ ,  $K_{110}$  кг/га меъёрда қўллаб ҳамда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-65 % тартибда суғориш тавсия этилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М.–Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган “2017–2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”–Тошкент. 2017 йил.

2. Мирзиёев Ш.М. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5303-сон “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони–Тошкент. 2018 йил.
3. Мирзиёев Ш.М. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5742 “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент. 2019 йил
4. Авлиёкулов М., Дурдиев Н.Уруғлик учун етиштириладиган ғўза навларини парваришлаш агротехнологияси // Монография. Тошкент. - 2019, 279 бет.
5. Абдуалимов Ш., Хасанова Ф., Каримов Ш., Абдуллаев Ф. “Чигит экиш ва яганалаш – пахтачиликдаги масъулиятли давр” // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали №4-сон, Тошкент–2019. Б. 4–5.
6. Аҳмедов Ж, Нурмаматов А, Нуриддинов А, Маҳмудов А. “Истиқболли “ЎзПТИ-103” ғўза нави” // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали №11-сон, Тошкент–2019. Б. 30.